



У.ШЕКСПИР ВА А.ФИТРАТ ДРАМАЛАРИДА ГУМАНИЗМ ФАЛАСАФАСИ ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТУШУНЧАЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ИФОДА ЭТИШ ВОСИТАЛАРИ

Шодиев Шаҳобиддин Шарофиддинович

Бухоро давлат тиббиёт институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7472745>

ARTICLE INFO

Received: 13th December 2022

Accepted: 21th December 2022

Online: 22th December 2022

KEY WORDS

Пафос, фожиа, уйғониш
даври, жанр, драматик,
мезон, тасниф, бахтли,
бахтсизлик, саҳна.

ABSTRACT

Инсоннинг қадр-қимматини улуғлаш, унга энг олий қадрият деб қараш, эркинлик идеалининг янада ривожланиши учун янги маънавий муҳит яратди. Ренессанс табиат фалсафасининг илдишлари қадимги юнон фалсафий меросига, хусусан, платонизмга, стоиклар пантеизмига, ионик фалсафага бориб тақалади.

“Арасту пафоснинг қаҳрамон фожиаси, руҳий изтироблари орқали намоён бўлиши ва томошабинда ҳам шунга мос ҳисларни уйғотишини таъкидлайди.

Гегель пафосни асар персонажларига хос “оила, ватан, черков, шон-шараф, дўстлик, ғурур, номус, муҳаббат” билан боғлиқликда талқин қилса, В.Белинский кўра у ижодкор шахси билан боғлиқ “ғоя-эҳтирос” бўлиб, пафос муаллифнинг маънавий-руҳий олами, оламни идрок қилиш сезимларидан келиб чиқади. Г.Поспелов эса уни бадий мазмуннинг муҳим узвларидан бири сифатида талқин қилади. “Адабиётшунослик луғатида” :

Олим ўз фикрини, лирик асарнинг жанрий таснифида мазмундаги тафовутлар инкор қилинмагани ҳолда, шаклий жиҳатга эътибор қаратилишига эътибор етакчилик қилишини таъкидлайди. Банд тузилишига асосланган мусаммат турлари ҳамда рубоий ва фард жанрлари мисолида ўз фикрларини исботлашга ҳаракат

қилади. Шунингдек, “Абулфайзхон”ни айрим мутахассислар драма, айримлари трагедия жанрига киритишлари сабабини изоҳлаб беради ва драматик асарларнинг жанрий таснифида пафоснинг бош мезон эканлиги ҳақидаги қоидага Аристотел асос солганлигини эслатади.

Маълумки, Аристотель трагедиянинг ички бўлиниши ҳақида сўзлар экан, уч ҳолатни ажратиб кўрсатади: “ Эҳтирос ҳалокат ёки изтироб келтирувчи ҳаракатдир”. Кескин бурилиш, тўсатдан билиш, эҳтиросга асосланган трагедия жанри “яхши тузилган ривоят нисбатан содда бўлиши ва тақдир унда бахтсизликдан бахтга эмас, аксинча, бахтсизликдан бахтга қараб, гуноҳ натижасида эмас, аксинча, балки ёмондан кўра яхши шахс йўл қўйган катта хато туфайли ўзгариши даркор”. юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, трагедиянинг умурқа поғонаси – трагик пафос бўлиб, агар пафос бўлмаса,



ўлим, қотиллик сингари ёвузликларнинг ҳеч бири трагедия бўлолмайди.

“Ҳамлет”ни яратганда Шекспир 37 ёшда, ижодкор сифатида фикрларини теранлашган, маълум бир тажриба орттирган, айти ижодий кучга тўлган, ҳаётнинг мураккабликлари хусусида ўз қарашлари қатъийлашган, руҳиятида санъат деган мўъжаз бир олам бутун гўзаллиги билан юз кўрсатган давр эди. Трагедия 1601 йилда саҳнага қўйилди, 1603 йилда чоп этилди. Бир йилдан кейин биринчи нашри жиддий таҳрир қилинди ва кенгайтирилди. Шекспиршунос А.Аникстнинг таъкидлашича, иккинчи нашрда трагедиянинг фалсафий моҳияти чуқурлаштирилган, бош қаҳрамон Ҳамлет образи ўзгарган, унинг инсон сифатидаги концепцияси бутун мураккабликлари билан кўрсатилганди. Муаллиф бу пайтда 40 ёшда, ижодий камолоти энг гуллаган палла эди.”Қирқ ёшга яқинлашганда, -деб ёзади И.Ҳаққул, - Шекспир ижодиётида фожиавийлик пафоси иустунлик қила бошлади. Кўпчилик эътироф этганидек, “Ҳамлет” Шекспир адабий меросининг чўққиси. Бу юксакликни ишғол айлай олган иккинчи бир асарни дунё адабиёти ҳанузгача билмайди”. Ҳақиқатан ҳам, Ҳамлет – оила посбони, жамият фидойиси, давлатнинг содиқ ва виждонли фуқароси, шараф ва ор-номус, эътиқод сарвари, таназзулга юз тутган мамлакатнинг умиди, келажаги, қолаверса, хиёнатдан қон қақшаган тахт вориси. Унда чин инсонга хос барча эзгу фазилатлар мужассам, балки шунинг учун ҳам у асрлар ўтса-да жаҳон халқлари қалбида, турли иқлим

минтақаларида ҳанузгача сеvimли ва ардоқли.

“Ҳамлет” ва “Абулфайзхон трагедиялари ўртасидаги” ўхшашлик қаҳрамонлар психологияси, уларнинг изтироб, ички ҳиссиётларида намоён бўлади. “Ҳамлет”да Клавдий ўз акаси – Ҳамлетнинг отасини пинҳона ўлдириб унинг тахтини эгаллайди ва ўзининг тубанлигини давом эттириб акасининг хотинига уйланиб олса, “Абулфайзхон”да Абулфайзхон ҳам ўз акасини ўлдиради ва шу тариқа уларнинг ҳар иккови тахтни эгаллайди. Клавдий ҳам, ҳатто ўзининг етти нафар фарзандининг қотилига айланган Абулфайзхон ҳам ўз фожиасини ўзи яратади.

Эстетик категория сифатида тушунилган фожиавийлик, энг аввало, маълум бир драматик вазиятда юзага чиқиши муқаррар бўлган қарама-қаршилиқ тўла маънода фожиавий мазмун-моҳиятга эга. Трагик ситуация келиштириб бўлмайдиган зиддият, ижобий тугалланиши мумкин бўлмаган фожиона вазиятдир. Биз ечим деганда, қаҳрамоннинг ўз фожаси томон бориб, ўзининг хато, гуноҳларига иқрор бўлиши, ҳалокатини назарда тутяпмиз. Ҳамлет бўлаётган воқеаларни ўйлар экан, унда шубҳа ва гумон пайдо бўлади, “қандайдир сирлилик” бордек туюлади. Минг бир хаёл, изтироб ичида яшаётган Ҳамлетга унинг дўстлари отасининг арвоҳини кўришганлигини айтишади. У отасининг арвоҳи билан учрашади ва ҳақиқатни билиб олади. Отаси киради ва ўз ўлими тафсилотини сўзлаб беради. Арвоҳ Ҳамлетга фосиқ, риёкор банда, макр билан хушомадга қобил шарманда Клавдий маликани хушомад билан хиёнатга бошлагани, малика унинг



осмон каби муҳаббати, никоҳ куни қилган аҳд-у паймонидан кечиб, ўзидан неча карра паст ва тубан, нолойиқ бир муртаднинг қучоғига киргани ҳамда укаси уни боғда ухлаб ётганида қулоғига оғу томизиб ўлдирганини айтади ва ўғлига шундай васият қилади: О, бу даҳшат, даҳшат, даҳшат! Номус ила ор

Юрагингни ёндирмаса, уринма бекор.

Даниянинг подшолари ухлаган тўшак

Фаҳшу разолатга хизмат этмасин, қўйма.

Қодир қасос қандай қойим бўлмасин фақат

Сен руҳингни мусаффо тут, онангга тегма.

Унга одил ҳакам, унинг лойиқ жавоби –

Тангри таоло-ю, яна виждон азоби.

Ҳамлет отасининг арвоҳи томонидан айтилган гапларданларзага тушади.

Унинг қалбида пайдо бўлган нафрат ҳисси шунчалар улкан эдики,

атрофдагилар уни ақлдан озган деб ўйлашади. Шунда у актёрлардан

отасининг ўлими воқеасини сахнада ижро этишларини сўрайди ва томоша

пайтида амакиси, эндиликда Дания қироли ва онасининг эрига айланган

Клавдийнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб туради. Эшитганлари аччиқ

ҳақиқат эканлигига иқроор бўлгач, “Дания – зиндон”, деб қичқиради.

Трагедиянинг оламшумул довруқ қозониши ундаги кучли пафос билан

боғлиқ бўлиб, асарда қаҳрамонларнинг ички монологлари жуда таъсинчан,

ҳаққоний, холис ифодаланган. Ҳамлетнинг онасига қарата айтилган

аламли сўзлари, таъна дашномлари ўқувчи ва томашибин руҳиятида

ачиниш, нафрат каби ҳисларни оловлантиришига шубҳа йўқ.

“Ҳамлет” трагедиясида Ҳамлетнинг дўстларига қарата айтилган : “Ё Тангрим! Мени писта пўчоғига жойланг, ўшанда ҳам ўзимни сарвари коинот деб ҳис қиламан. Фақат бу босириқ хаёллардан халос қилинг мени”, сўзларида олам ва одамнинг моҳиятини, ҳаёт ва ўлимнинг нима эканлигини чуқур тушунган уйғоқ Шахснинг фарёди, дил ноласи мужассам. Ҳамлетнинг отасининг сирли ўлими, онасининг хиёнаткорлигини билгандан кейин бутун хушчақчақлиги, машғулотларга бўлган майлу иштиёқи йўқолишини дўстлари шуғратпарастликка йўйишади. Аммо у бунинг сабаби мутлақо бошқа эканлигини изоҳлаб берар экан, Ҳамлетнинг ич-ичдан қанчалар эзилаётгани, миясида тизгинсиз минг бир хаёл чарк ураётгани, қасос олиш истаги бутун руҳини қамраб олгани мутлақа бошқа бир шаклда юзага чиқади.

Э, оғизга келганини айтаверинг, фақат ростини айтмасангиз, бас

Қиз болага ой ҳам ҳатто ойнақдан боқиб,

Термулиши ножўядир, яхши англагил.

Қийин эмас ор-номусни бўҳтонга қўйиш,

Қурт ҳам қийратади аввал янги куртакни.

“Ҳамлет”да Қирол Клавдийнинг ўз-ўзи билан олишув сахнасида унинг ўзини

кечира олмаётганлиги кўринади. У ибодат қилишга уринар экан, жуда

қийналади, ўзининг оғир гуноҳга ботганлиги ва кечирилмаслигини

шундай изоҳлайди: “Мен йиқилдим, турмоқ учун йиқилдим, аммо, Хўш, бу

ерда жоиз эрур нечук тавалло”. Клавдийда икки қиёфа, икки мен



яшайди. Уларнинг бири ўзини оқласа, иккинчиси кескин қоралайди. Клавдий тавба қилмоқчи бўлади, аммо энди у ўзи учун ҳатто тавба эшиклари ёпиқ деган қарорга келади. Худди шу ўринда унинг виждони ҳали батамом ўлмаганлиги яққол кўринади.

Мени бўғар қабоҳатим қўланса дуди,
Манглайимда аянч куфру маломат муҳри:

Биродаркушлигим! Ёниб-ўртаниб фақат,

Талпираман, этолмайман лекин ибодат.
Биламанки, бу гуноҳни кечириб бўлмас,
Хунобдирман, билолмайман қайдан бошлашим,

Шундоқ маъшум аросатда яшашдир ишим

Клавдийнинг назарида ибодат қилиш учун, тавбага қайтиш учун у тортиб олган нарсаларини қайтариши керак, аммо у бунга журъат қилолмайди, тажу тахт, салтанат, малика, шон-шуҳратдан юз ўгириб, ўзлигига қайта олмайди. Шундай қилса юракдаги кўрғошин эриб, чақалоқнинг пайларидек майин тортишини ҳам билади. Агар у ана шу фикрларида собит тура олса, фожиа, эҳтимол, юз бермаслиги мумкин эди. Бироқ трагедиянинг бошқа жанрлардан фарқи, ўзига хослиги ҳам унда фожиа хотимани кичик бир лаҳза ҳал этади.

“Абулфайзхон” трагедиясида Хон ёлғиз қолганда ўзига ўзи: Худди “Ҳамлет”даги қирол Клавдий сингари у ҳам ўз-ўзидан норози, тажанг, ҳар бир нарсага шубҳа ва қўрқув билан қарайди. Шунинг баробарида ўз кирдикорларини билиб, сезиб туради ва шу сабабли борган сари ундаги қўрқув ҳисси ортади. У ўз фожиаси томон етаклаб бораётган воқеалар гирдобидида телбаланади, нажот ахтаради, қутулиш цўлини излайди,

бироқ тўғри йўл тополмайди. Чунки унда тўғри йўлга қайтиш истагининг ўзи мавжуд эмас. Ўз фожиасини қучоқлаб яшашга мажбур бўлган хоннинг руҳий ҳолати воқеалар ривожлангани сари ёмонлашиб боради, у тинимсиз равишда ўзи билан олишади.

Матндаги сўзлар ва ҳаракатларнинг барчаси рамзий характерга эга, воқелар ривожини давомида Қози Низом ва Мирвафонинг ҳаётда ҳам яхши “ўйинчи” эканликлари, қолаверса, ҳаётнинг тўзи ҳам шахмат ўйинидек бир нарса эканлиги, Улфатнинг ўзидан бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйламаслиги, мақсади хоннинг кўнглини олиш, ялтоқланиш эканлиги кўринади. Улфат хоннинг ким томонда эканлигини билмаганлиги учун “холис томошабин”га айланади. “Ҳамлет”даги Полонийни эслатидан бу образ ҳам ўз хожасига ёқиш учун ҳамма нарсага тайёр. Улфат ва Полоний ниҳоятда айёр, маккор, пухта кишилар, бироқ уларда шахс йўқ. Қилмиш-қидирмиш деганларидек трагедия сўнгида уларнинг иккови ҳам ҳалокатга дучор бўлади.

Абулфайзхон ҳам Клавдий сингари ёвуз ва ҳар бир ишда ўз фойдасинигина кўзлайди, холос. Қирол ўзининг жияни, ўғай ўғлини ўлдиртирмоқчи бўлади ва ўзининг мақсадига Лаэрт воситасида эришади, хон ҳам ўз ўғилларини ўлдиртиради. Ёнидаги энг адолатпарвар ва халқпарвар одам Фарҳод оталиқни Улфатнинг қўли билан бошини кестиради.

Клавдий Маликага уйланганган бўлса, Абулфайзхон ўз тили билан айтганда “ота каби асрағон” яқин одамнинг қизини мажбуран олмоқчи бўлади. Аммо оталиқ унинг хоҳишига қарши



бориб, кескин рад жавобини беради: “Биз хон ҳазратларига ўзимизни қурбон қилдик. Эмди номусимизни ҳам истамасунлар. Жоҳил, қўрқоқ ва мақтовга ўч бўлган хон шу тарзда ўзининг кучли, ишончли, доно маслаҳатчисини йўқотади.

“Ҳамлет” трагедиясида Ҳамлетнинг отасининг қулоғига симобга ўхшаш оғу қуйиб, Ҳамлетнинг онасини заҳарлаб, Ҳамлетнинг ўзини қиличга заҳар суриш билан жонига қасд қилинади, “Абулфайзхон”да эса тахтга чиқарилган Абдулмўмин Раҳимбий томонидан заҳарланади.

“Ҳамлет”да сирни ошкор қилган Қиролнинг Арвоҳи ошкор қилади. Арвоз ўзининг кундузлари жаҳаннамда ёнмоққа маҳкумлиги, бу мазаммат, қора савдо гуноҳдан поклангунга қадар давом этиши, аммо унга доир сирларни ошкор этолмаслигини баён қилгач, агар бошига тушганларини айтса, Ҳамлетнинг жони ҳалқумига келиши, юлдузлар ўз меҳваридан отилган каби кўзлари хонасидан чиқиб кетиши ҳақида гапиради ва уни шум қотилдан қасос олишга ундайди.

References:

1. Shahob Sharofitdinovich Shodiev. *Academicia An International Multidisciplinary Research Journal* “Interpretation of philosophical terms and concepts as an essential subject for linguistic researches of XIX-XX centuries, held in Russia and Europe” 590-98 10.5958/2249-7137.2020.01171.4
2. Shahobiddin Sharofiddinovich Shodiev. Bakaev Najmiddin Bakaevich. expressions.. (2020). The role of the Latin language in the history of world statehood. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 05 (85), 367-372. SoI: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-05-85-71> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS> Scopus ASCC: 1203. THE ROLE OF THE LATIN LANGUAGE IN THE HISTORY OF WORLD STATEHOOD
3. Sh.Sh.Shodiyev. N.B.Bakayev. M.N.Khafizova, S.N.Ostonova “ SHAKESPEARS LEXICON: REASON WORD AS A DESIGN OF THE CONCEPT OF THE ABILITY OF THE HUMAN MIND TO ABSTRACTION, CONCLUSION ” *Theoretical and Applied Science*, 162-166, 2020
4. Ш.Ш. Шодиев, Д.Я.Шигабутдинова. «ШЕКСПИРОВСКИЙ ЛЕКСИКОН: СЛОВО REASON КАК ОБОЗНАЧЕНИЕ ПОНЯТИЯ СПОСОБНОСТИ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО УМА К АБСТРАКЦИИ УМОЗАКЛЮЧЕНИЮ» *Инновационный потенциал развития науки в современном мире*, 189-197, 2020
5. General cultural and educational values of ancient-classic latin language TN Zayniddinovn, SS Sharofiddinovich *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL & APPLIED SCIENCES* 2 (5), 77-80 2021
6. Islam in the evolution of social and political views of the Uzbek Jadids, their role in the formation of the idea of National Independence KB Shadmanov, SS Shodiev, TN Zayniddinovna *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2 (2), 44-50 2021
7. Shodiev Shahobiddin Sharofiddinovich, & Majitova Nafisa Zokirovna. (2021). IDEAS ABOUT AN IDEAL PERSON, LANGUAGE, PROSPERITY IN THE EVOLUTION OF PUBLIC AND POLITICAL VIEWS OF THE UZBEK JADIDS OF THE BEGINNING OF THE XX CENTURY. *Eurasian Journal of Academic Research*, 1(3), 5-8. <http://doi.org/10.5281/zenodo.4925897>



8. Шодиев Шаҳобиддин Шарофиддинович. (2022). "МАКБЕТ" ВА "АБУЛФАЙЗХОН" ТРАГЕДИЯСИДА ФАЛСАФИЙ СЎЗЛАР ВА NATURE /ТАБИАТ" ВА SOCIETY / ЖАМИЯТ ТУШУНЧАСИ. EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH, 2(12), 1142–1150. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7390238>
17. Shahobiddin Sharofiddinovich Shodiev, Najmiddin Bakaevich Bakaev, Nafisa Zainiddinovna Tasheva STUDYING PHILOSOPHICAL REALITIES OF THE RENAISSANCE EPOCH, BASED ON THE STRUCTURAL ANALYSIS OF PHILOSOPHICAL TEXTS // Academic research in educational sciences. 2021. №8. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/studying-philosophical-realities-of-the-renaissance-epoch-based-on-the-structural-analysis-of-philosophical-texts>.
18. Shahob Sharofitdinovich Shodiev. Academicia An International Multidisciplinary Research Journal "Interpretation of philosophical terms and concepts as an essential subject for linguistic researches of xix-xx centuries, held in Russia and Europe" 590-98 10.5958/2249-7137.2020.01171.4
19. Mirzaeva, A. S. (2022). INTRA-LINGUISTIC AND EXTRA-LINGUISTIC FACTORS RELATED TO THE LANGUAGE AND VOCABULARY OF THE BASIC CONCEPTS OF RENAISSANCE ENGLISH PHILOSOPHY. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 1(5), 9-17.
20. Aziza, M. (2022). THE THEORY OF INTERTEXTUALITY AS A PARADIGM AND THE IMPACT OF THIS THEORY ON TRANSLATION. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(5), 990-995.
21. Мирзаева, А. Ш. (2021). РЕМИНИСЦЕНЦИЯ КАК ЭЛЕМЕНТ ИНТЕРТЕКСТУАЛЬНОСТИ В ПРОИЗВЕДЕНИИ РИКА РИОРДАНА "PERCY JACKSON AND THE LIGHTNING THIEF". *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, 4(3).
22. Mirzaeva, A. S. (2022). THEORY IN INTERTEXTUALITY AND THREE SEAMLESS INTERTEXTS: M. BUTTERFLY BY DAVID H. HWANG, AS IS BY WILLIAM M. HOFFMAN, AND EXECUTION OF JUSTICE BY EMILY MANN. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(5-2), 160-165.
23. Shavkatovna, M. A. (2022). ENLIGHTENMENT-MORAL, PHILOSOPHICAL, LINGUISTIC VIEWS OF MODERN CREATORS.
24. Shavkatovna, M. A. . (2022). Interrextuality in Rick Riordan's Work. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(9), 180–185. Retrieved from <https://www.grnjournals.us/index.php/ajshr/article/view/1507>.
25. Mirzaeva Aziza Shavkatovna. (2021). Allusion As The Way Of Rendering Elements Of Ancient Greek Mythology In The Tissue Of Modern Literature. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(01), 505-514. <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume03Issue01-91>
26. Shavkatovna, M. A. . (2022). Interrextuality in Rick Riordan's Work. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(9), 180–185. Retrieved from <https://www.grnjournals.us/index.php/ajshr/article/view/1507>.
27. Aziza Mirzaeva Shavkatovna. (2022). THE INTERTEXTUAL AND INTERCULTURAL REFERENCES IN LODGE'S CAMPUS NOVELS. *American Journal Of Philological Sciences*, 2(11), 29–35. <https://doi.org/10.37547/ajps/Volume02Issue11-05>.



28. Sh.Sh.Shodiyev. N.B.Bakayev. M.N.Khafizova, S.N.Ostonova " SHAKESPEARS LEXICON: REASON WORD AS A DESIGN OF THE CONCEPT OF THE ABILITY OF THE HUMAN MIND TO ABSTRACTION, CONCLUSION " Theoretical and Applied Science, 162-166, 2020
29. Ш.Ш. Шодиев, Д.Я.Шигабутдинова. «ШЕКСПИРОВСКИЙ ЛЕКСИКОН: СЛОВО REASON КАК ОБОЗНАЧЕНИЕ ПОНЯТИЯ СПОСОБНОСТИ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО УМА К АБСТРАКЦИИ УМОЗАКЛЮЧЕНИЮ» Инновационный потенциал развития науки в современном мире, 189-197, 2020
30. Shodiyev Shaxobiddin Sharofiddinovich, & Tasheva Nafisa Zayniddinovna. (2021). THE ROLE OF THE WAY OF THE GREAT STEPPE IN THE CONTINUITY AND RELATIONSHIP OF THE PHILOSOPHY AND CULTURE OF THE MUSLIM EAST AND THE RENAISSANCE WEST. Innovative Academy Research Support Center, 1(3), 9–13. <http://doi.org/10.5281/zenodo.4925956>
31. Shodiev Shahobiddin Sharofiddinovich, & Majitova Nafisa Zokirovna. (2021). IDEAS ABOUT AN IDEAL PERSON, LANGUAGE, PROSPERITY IN THE EVOLUTION OF PUBLIC AND POLITICAL VIEWS OF THE UZBEK JADIDS OF THE BEGINNING OF THE XX CENTURY. Eurasian Journal of Academic Research, 1(3), 5–8. <http://doi.org/10.5281/zenodo.4925897>
- Kurbanova G.N. , p.f.d (DSc) PEDAGOGIK MULOQOT VOSITASIDA KASBIY TAFAKKURNI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOIIY TARIXIY ASOSLARI .Eurasian journal of social sciences, philosophy and culture. <https://doi.org/10.5281/zenodo.706415>
5. Kurbanova Gulnoz Nematovna. PEDAGOGICAL COMMUNICATION'S ROLE AND IMPORTANCE IN THE DEVELOPMENT OF STUDENTS' PROFESSIONAL THINKING.Eurasian Journal of Academic Research Innovative Academy Research Support Center UIF =8.1 SJIF =5.685www.in-academy.uz Volume 2 Issue 11 October 2022 ISSN 2181-2020 Page 914.
6. Г.Н.Курбанова, Д.М.Мусаева "Развитие профессионального и оперативного мышления будущих специалистов в образовательном процессе". Neurodynamics. Журнал клинической психологии и психиатрии, 2020, Т. 2, No 1.Neurodynamics. Journal of clinical psychology and psychiatry, 2020, Vol. 2(1).
7. Kurbonova G.N., (2022). THE SIGNIFICANCE OF THE ANCESTORS HERITAGE IN THE DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL THINKING OF FUTURE SPECIALISTS. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 2(2), 272–277. извлечено от <https://www.in-academy.uz/index.php/ejsspc/article/view/828>.
8. Kurbanova G.N. Pedagogical and psychological bases on developing students' professional thinking in medical pedagogical education International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 06, 2020. 3059-3067 p.
9. Kurbanova G.N.The role of ancestral heritage in the development of professional thinking of future professionals International Scientific Journal Theoretical & Applied Science p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2020 Issue: 01 Volume: 81 Published: 30.01.2020 <http://T-Science.org>. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863